

IX. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ


Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 339,0 мингтага етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38,8 мингтага ёки 12,9 % ошган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 274-сонли қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тақдим этилган билдиришиномага асосан Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри базаси юритилади.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши, минг бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)


	01.01.2018 йил		01.01.2019 йил	
	Умумий сони	жамига нисбатан % да	Умумий сони	жамига нисбатан % да
Жами	300,2	100	339,0	100
<i>шундан</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	22,6	7,5	26,0	7,7
саноат	51,4	17,1	59,3	17,5
қурилиш	25,5	8,5	30,4	9,0
савдо	67,4	22,4	75,1	22,1
ташиш ва сақлаш	12,5	4,2	13,9	4,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	18,2	6,1	21,1	6,2
ахборот ва алоқа	6,8	2,3	7,4	2,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	6,0	2,0	6,9	2,0
бошқа турлар	89,8	29,9	98,9	29,2

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган
корхоналар ва ташкилотларнинг сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми яъни 22,1 %, савдо, 17,5 % саноат, 9,0 % қурилиш, 7,7 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,2 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,1 % ташиш ва сақлаш, 2,2 % ахборот ва алоқа соҳасида, 2,0 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ва 29,2 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келган.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган
корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Тошкент шаҳри (71,3 минг), Тошкент (35,4 минг), Самарқанд (26,3 минг), Фарғона (29,5 минг) вилоятларига, энг камлари Сирдарё (11,1 минг), Навоий (11,3 минг) ҳамда Хоразм (15,8 минг) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, минг бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)


	01.01.2018 йил		01.01.2019 йил	
	Умумий сони	жамига нисбати % да	Умумий сони	жамига нисбати % да
Ўзбекистан Республикаси	300,2	100	339,0	100
Қорақалпоғистон Республикаси	14,4	4,8	16,0	4,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	26,0	8,6	28,9	8,5
Бухоро	16,6	5,5	19,1	5,6
Жиззах	12,8	4,3	15,0	4,4
Қашқадарё	19,2	6,4	21,6	6,4
Навоий	9,7	3,2	11,3	3,3
Наманган	21,0	7,0	22,3	6,6
Самарқанд	22,5	7,5	26,3	7,8
Сурхондарё	14,4	4,8	15,4	4,6
Сирдарё	10,1	3,3	11,1	3,3
Тошкент	30,8	10,3	35,4	10,4
Фарғона	26,0	8,7	29,5	8,7
Хоразм	14,3	4,8	15,8	4,7
Ташкент ш.	62,4	20,8	71,3	21,0

Охириги беш йилликка эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимизда 2014 йилда давлат рўйхатидан ўтган корхоналар ва ташкилотлар сони 273,6 мингтани (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига 339,0 мингтани ташкил этган.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони 323,5 мингтани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирилганда 38,0 мингтага (13,3 %) ошган.

Рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 95,4 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,6 % ни ташкил этиб, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 0,3 % камайган.

Фаолият кўрсатаётган ва фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва ташкилотлар улуши, %




Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 21,9 % савдо, 17,6 % саноат, 9,0 % қурилиш, 7,6 % қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 6,1 % яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,1 % ташиш ва сақлаш, 2,2 % ахборот ва алоқа, 2,1 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва 29,4 % бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)




Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони энг кўпи Тошкент шаҳри (69 236 та), Тошкент (31 030 та), Фарғона (29 128 та), Андижон (27 391 та) ва Самарқанд (25 066 та) вилоятарида. Аксинча Сирдарё (10 367 та), Навоий (11 175 та) ва Жиззах (14 226 та) вилоятларида корхоналар сони камлигини кузатиш мумкин.

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхоналар
ва ташкилотлар сони, бирликда**
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2018 йил январь-декабрь ойларида 55 011 та корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 34,1 % га ошган. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (12 714 та), Тошкент (5456 та), Самарқанд (4831 та) ва Фарғона (4338 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келган. Аксинча, Сирдарё (1507 та), Навоий (2027 та) ва Хоразм (2299 та) вилоятларида ташкил этиш кўрсаткичи паст даражада.

**Худудлар кесимида янги ташкил этилган корхоналар
ва ташкилотларнинг сони**
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)




Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, корхонлар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (11719 та), саноат (11279 та), қурилиш (6370 та) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (5628 та) янги ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш (1178 та), ахборот ва алоқа (1236 та) ҳамда ташиш ва сақлаш (2115 та) фаолият турларига тўғри келган.

**Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича сони, бирликда**
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)

	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.	
	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %
Жами республика бўйича	32747	100	41013	100	55011	100
Савдо	8549	26,1	7897	19,2	11719	21,3
Саноат	6616	20,2	10225	24,9	11279	20,5
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3357	10,2	5294	12,9	5628	10,2
Қурилиш	3044	9,3	3800	9,3	6370	11,6


	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.	
	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %	умумий сони	улуши, %
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2840	8,7	3359	8,2	3900	7,1
Ташиш ва сақлаш	1666	5,1	1833	4,5	2115	3,8
Ахборот ва алоқа	945	2,9	1014	2,5	1236	2,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	544	1,7	877	2,1	1178	2,1
Бошқа турлар	5186	15,8	6714	16,4	11586	21,1

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



2019 йил 1 январь ҳолатига 265,0 мингта тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 72,4 мингта, оилавий корхоналар – 15,5 минг, масъулияти чекланган жамиятлар – 170,2 мингта ва бошқалар 6,9 мингтани ташкил этган.


Ташкилий ҳуқуқий шакллари таснифлагичи бўйича фаолият кўрсатаётган тижорат корхоналарининг сони, минг бирликда (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Тижорат шаклидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (60 656 та), Тошкент (25 669 та), Фарғона (23 446 та), Андижон (22 692 та) ва Самарқанд (19750 та) вилоятларида. Сирдарё (8363 та), Навоий (9181 та) ва Жиззах (11 239 та) вилоятларида корхоналар ва ташкилотларнинг сони камлиги кузатилади.

2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 7560 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2043 тага ёки 37,0 % га ўсган. Ушбу корхоналарнинг асосий қисми Россия Федерацияси, Туркия Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳиссаларига тўғри келади.

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда



Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 4006 таси қўшма, 3554 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони, бирликда



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳрида 4728 та (жамидаги улуши 62,5 %), Тошкент 851 та (11,3 %) ва Самарқанд вилоятида 396 тани (5,3 %) ташкил этган. Энг кам Хоразм вилоятида 71 та (0,9 %), Қашқадарёда 85 та (1,1 %), Навоий вилоятида 109 та (1,5 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 121 тани (1,6 %) ташкил этади.

Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалий ишларни янада жонлантириш ҳамда ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда.

**Худудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият
кўрсатаётган корхоналар сони, бирликда**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	7560	100
Қорақалпоғистон Республикаси	121	1,6
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	222	2,9
Бухоро	156	2,1
Жиззах	121	1,6
Қашқадарё	85	1,1
Навоий	109	1,5
Наманган	138	1,8
Самарқанд	396	5,3
Сурхондарё	172	2,3
Сирдарё	109	1,4
Тошкент	851	11,3
Фарғона	281	3,7
Хоразм	71	0,9
Тошкент ш.	4728	62,5

Агар 2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда 2995 та (39,6 %), савдода 1668 та (22,0 %) ҳамда бошқа фаолият турларида эса 1225 тани (16,2 %) ташкил қилган. Энг камлари эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 97 та (1,3 %), ахборот ва алоқада 209 та (2,8 %), ташиш ва сақлашда 214 та (2,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 339 тани (4,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 325 тани (4,3 %) ва қурилишда 488 тани (6,5 %) ташкил қилган.

Кўриниб турибдики фаолият юритаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолияти, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
Жами	7560	100
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	339	4,5
саноат	2995	39,6
қурилиш	488	6,5
савдо	1668	22,0
ташиш ва сақлаш	214	2,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	325	4,3
ахборот ва алоқа	209	2,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	97	1,3
бошқа турлар	1225	16,2


Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ўсиш динамикаси, бирликда



2018 йилнинг январь - декабрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг сони 2385 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1522 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 428 та, Туркия Республикаси – 364 та, Хитой Халқ Республикаси - 351 та, Қозоғистон Республикаси – 246 та ва Корея Республикаси – 161 та ҳамда 835 таси бошқа давлатлар ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек, 2018 йил давомида Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон, Германия Федератив Республикаси, Украина, Озарбайжон Республикаси ва бошқа давлатлар резидентлари томонидан қўшма фаолиятга қизиқиш билдиришган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимида улуши, %
(2018 йил январь-декабрь ҳолатига)**




Янги (2385та) ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (1431 та), Тошкент (253 та), Самарқанд (127 та) ва Фарғона (80 та) вилоятлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган вилоятлар қаторига Хоразм (23 та), Сирдарё (28), ва Наманган вилоятида (42 та).

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги улуши, (%)



Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони, бирликда



Агарда янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 728 та, савдода 654 та, қурилишда 229 та, кишлок, ўрмон ва балиқ хўжалигида 190 та ва бошқа фаолият турларида 297 та ни ташкил этган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш динамикаси, бирликда.**

	2017 йил январь-декабрь		2018 йил январь-декабрь	
	Жами	Умумий сонига нисбатан, %	Жами	Умумий сонига нисбатан, %
Жами	863	100	2385	100
Саноат	414	48,0	728	30,5
Савдо	136	15,8	654	27,4
Қурилиш	68	7,9	229	9,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	51	5,9	190	8,0
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	23	2,6	112	4,7
Ахборот ва алоқа	24	2,8	93	3,9
Ташиш ва сақлаш	20	2,3	54	2,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	13	1,5	28	1,2
Бошқа турлар	114	13,2	297	12,4

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини кенгайтиришда етарли даражада ишлар тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, айрим ҳудудларда хорижий инвеститцияларни жалб қилишда беқарорлик сақланиб қолмоқда. Жумладан, Олот туманида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар мавжуд эмас. Шунингдек, 2019 йил 1 январь ҳолатига хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 216 та бўлиб, булар Тошкент шаҳри (85 та), Тошкент (82 та), Самарқанд (10 та), Наманган (9 та) ва Андижон (8 та) вилоятларидадир.

2019 йил 1 январь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 262,9 минг (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14,5 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми, яъни 60,0 мингтаси (22,8 %) Тошкент шаҳри, 25,4 мингтаси (9,6 %) Тошкент, 23,3 мингтаси (8,9 %) Фарғона ҳамда 22,6 мингтаси (8,6 %) Андижон вилоятларида. Энг ками Сирдарё вилоятида 8,3 мингта (3,2 %), Навоийда 9,1 мингта (3,5 %), Жиззахда 11,2 мингта (4,2 %), Хоразмда вилоятида 11,8 мингта (4,5 %) ва Қорақалпоғистон Республикасида 12,0 мингта (4,6 %) ни ташкил этган.

**Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган кичик
тадбиркорлик субъектлари сони**
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)


	01.01.2018 йил ҳолатига		01.01.2019 йил ҳолатига	
	Жами (бирликда)	жамига нисбатан % да	Жами (бирликда)	жамига нисбатан % да
Ўзбекистон Республикаси	229666	100	262930	100
Қорақалпоғистон Республикаси	10539	4,6	11985	4,6
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	20342	8,9	22560	8,6
Бухоро	12648	5,5	14805	5,6
Жиззах	9310	4,1	11197	4,2
Қашқадарё	14347	6,2	16218	6,2
Навоий	7569	3,3	9104	3,5
Наманган	15949	6,9	16975	6,4
Самарқанд	16005	7,0	19629	7,5
Сурхондарё	10409	4,5	11618	4,4
Сирдарё	7462	3,3	8318	3,2
Тошкент	21647	9,4	25410	9,6
Фарғона	20225	8,8	23304	8,9
Хоразм	10900	4,7	11815	4,5
Тошкент ш.	52314	22,8	59992	22,8

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 262,9 мингта кичик корхона ва микрофирмаларнинг 70,5 мингтаси (26,8 %) савдо, 56,2 мингтаси (21,4 %) саноат, 29,0 мингтаси (11,0 %) қурилиш, 24,0 мингтаси (9,1 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 19,7 мингтаси (7,5 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 13,1 мингтаси (5,0 %) ташиш ва сақлаш, 6,7 мингтаси (2,6 %) ахборот ва алоқа, 5,4 мингтаси (2,0 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, шунингдек 38,4 мингтаси (14,6 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади.

Энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.


Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига Тошкент вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 13,5 % ни (3980 та) ташкил қилган, Андижон вилоятида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонига 5,9 % ни (1418 та) ташкил қилиб, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 129 тага ўсган.

2018 йил январь-декабрь ойларида 48,9 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 28,2 % га кўпроқдир. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Тошкент шаҳри (12071 та), Тошкент (5080 та), Самарқанд (4312 та) ва Фарғона (3780 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Энг кам Сирдарё (1354 та), Хоразм (2009 та) ҳамда Навоий (1810 та) вилоятларида ташкил этилган.

Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)





Агарда иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрадиган бўлсак, энг кўпи савдода 11713 та, саноатда 11262 та, қурилишда 6360 та ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5586 та ташкил этилган. Энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатишда 1154 та, ахборот ва алоқада 1228 та ҳамда ташиш ва сақлашда 2107 та ташкил этилган.




Оилавий корхоналар. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони 16154 тани ташкил этиб, улардан 15507 таси ёки 96,0 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда давлат рўйхатидан ўтганлар ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сони ўртача 32,7 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда.



Рўйхатдан ўтган




Фаолият кўрсатаётган



Янги ташкил этилган

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда уларнинг 37,5 % ёки 5800 таси саноат, 21,9 % ёки 3387 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 16,2 % ёки 2510 таси савдо, 11,2 % ёки 1740 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1,2 % ёки 192 таси қурилиш, 1,1 % ёки 177 таси ташиш ва сақлаш, 1,1 % ёки 174 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 1,0 % ёки 160 таси ахборот ва алоқа ҳамда 8,8 % ёки 1367 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %



Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 2019 йил 1 январь ҳолатига энг кўпи саноат ҳамда яшаш ва овқатланиш хизматлари, энг ками эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ахборот ва алоқа каби фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

2018 йилнинг январь - декабрь ойларида жами 16673 та корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини тугатган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан - 9802 тага камайган.

Албатта хўжалик юритувчи субъектларнинг бугунги кун талабларига мослашиши ва рақобатбардошлигини ошириши борасида юртимизда талайгина ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб, қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимизда корхоналарнинг бугунги кун бозорига мослашиши даражаси ортиб бормоқда. Мисол тариқасида 2016 йилда 27220 та, 2017 йилда 26475 та корхоналар ва ташкилотлар ўз фаолиятини яқунлаган бўлса, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида ушбу кўрсаткич 16673 тани ташкил этган.

**Янги ташкил этилган ва тугатилган
корхоналар ва ташкилотлар динамикаси, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**



Агарда тугатилган корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича қарайдиган бўлсак, 28,0 % ёки 4662 таси савдо, 18,0 % ёки 3006 таси саноат, 10,0 % ёки 1666 таси қурилиш, 9,8 % ёки 1627 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 7,1 % ёки 1184 таси яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 4,5 % ёки 752 таси ташиш ва сақлаш, 2,6 % ёки 429 таси ахборот ва алоқа, 1,2 % ёки 197 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 18,8 % ёки 3150 таси бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, тугатилган корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келган.

**Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий
фаолият турлари бўйича сони, бирликда
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)**

	2017 йил январь-декабрь ойларида		2018 йил январь-декабрь ойларида		
	Жами	Жамига нисбатан улуши, %	Жами	Жамига нисбатан улуши, %	фарқи, (+,-)
Жами	26475	100	16673	100	-9802
<i>шундан:</i>					
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2218	8,4	1 627	9,8	-591
Саноат	3915	14,8	3 006	18,0	-909
Қурилиш	2370	9,0	1 666	10,0	-704
Савдо	7283	27,5	4 662	28,0	-2621
Ташиш ва сақлаш	959	3,6	752	4,5	-207
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1678	6,3	1184	7,1	-494
Ахборот ва алоқа	681	2,6	429	2,6	-252
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3222	12,2	197	1,2	-3025
Бошқа турлар	4149	15,6	3 150	18,8	-999

2018 йил январь-декабрь ойларида 15 601 та кичик тадбиркорлик субъектлари тугатилган. Уларнинг асосий қисми 4624 таси (29,6 %) савдо, 2996 таси (19,2 %) саноат, 1663 таси (10,7 %) қурилиш, 1603 таси (10,3 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 1173 таси (7,5 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 748 таси (4,8 %) ташиш ва сақлаш, 422 таси (2,7 %) ахборот ва алоқа, 134 таси (0,9 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 2238 таси (14,3 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келган.

Тугатилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %
(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



Тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш натижасида ҳудудларда ҳам тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар сони йилдан йилга камайиб бормокда. Ушбу йўналишда асосан Андижон вилоятида -3150 та, Қашқадарёда -1060 та, Тошкентда -863 та ҳамда Самарқанд вилоятида -503 та кичик корхона ва микрофирмалар 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан кам тугатилганлигини статистик рақамларда кўришимиз мумкин.